

## ҚАДРИ БАЛАНД ИНСОН

**Аҳмедова Зулайҳо**

*Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани*

*4-ўрта мактаб директори*

Умрзоқ Ўлжабоев инсонийлик оламининг юксак чўққисига кўтарила олган, бир одам қилиши мумкин бўлган яхшиликларни мукамал адо этган, жисмижон зиммасида бўлган барча вазифаларни бажарган комил инсон эдилар. Мен эсимни таниганимдан бери у кишини яхши биламан, чунки биз қариндошмиз. Мен билган Умрзоқ ака етук адабиётшунос олим, моҳир педагог, сермахсул ижодкор. Умрзоқ ака жамиятнинг фаол аъзоси бўлишидан ташқари, республикамиз пойтахтида яшаб ижод қилиб келаётган ёзувчи, шоирларнинг, адабиётшунос олимларнинг чин маънодаги дўстларидан бири эди.

Эсимда болалик уйимизда Ўзбекистон Қаҳрамони, адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, машҳур адабиётшунос олимлар: Умарали Норматов, Бегали Қосимов ва бошқа кўпгина олиму-фузалолар бир неча марталаб меҳмон бўлишган. Бу инсонларнинг ташрифлари бизни адабиёт фанига бўлган қизиқишимизга сабаб бўлган. Шу қизиқиш мени ўша пайтларда Сирдарё давлат педагогика институтининг Ўзбек тили ва адабиёти факультетига ўқишга киришга ундади. Ўқиш даврида домланинг мазмунли ва мароқли маърузалари адабиётга бўлган қизиқишимни янада ўстирди. Умрзоқ ака адабиётнинг ривожига улкан ҳисса қўшган сермахсул ижодкорларнинг романлари, қиссалари, ҳикоялари ҳақида гапириб, уларни таҳлил қилиб, адабиётнинг сир-синаотларига ошно қилди.

Шундай қилиб Умрзоқ ака бизга ҳам ака, ҳам устоз бўлди. Мен доимо олим акамизнинг адабий танқидчиликка оид мақола ва китобларини ўқиб бораман. Агар адашмасам 200 га яқин адабий-танқидий мақолалари, 10 дан ортиқ илмий-назарий китоблари бор олимнинг ижодий фаолияти ҳақида кўп гапириш мумкин. Хусусан, “Адабиёт кўнгил кўзгуси” китобида шундай дейди: “Адабиёт инсон кўнгилга тутилган кўзгудир, аммо бу кўзгуни гоҳида ғубор босади, хира тортади. Шунинг учун ҳам вақти-вақтида чанг ва ғуборлардан тозалаб туриш керак”. Бу ғуборлар адабиёт танқидчилари томонидан артиб ташланади. Дарҳақиқат, адабиётчи олим сифатида адабий танқидга чиройли баҳо берган адабиётшунос сифатида ўз кўнгил оламига эга эди. Адабиёт оламидаги ҳар воқеа-ҳодисалардан тез таъсирлана оладиган, ўта синчковлик билан асардаги энг майда деталларга эътибор қаратадиган, чуқур фикрлаб хулоса чиқарадиган зукко олим эди.

Мен бу инсонни ўйлаганимда олимлигидан одамийлиги устун турадиган шахс деб биламан. Умрзоқ ака умрининг охирига қадар, ўша-ўша камтар, самимий, турланиб-тусланмайдиган, айтган гапига эгалик қиладиган, бир сўзли, жуда меҳрибон инсон сифатида ўтди ва мен домланинг бундай фазилатларини ҳурмат қиламан ва эъзозлайман.

Умрзоқ ака жуда меҳмондўст, ёру-дўстларига, қариндошларига беминнат яхшилик қиладиган қалби дарё инсонлигини у кишини билган одамлар ҳавас билан, фахр билан тилга олишади.

Ўлжабоев домла Гулистон давлат университетида ярим асрдан кўпроқ давр мобайнида фаолият юритди. Ўзбек адабиёти кафедрасида адабиётшунослик асосларидан, адабиёт назариясининг барча ютуқларидан баҳрамандлик, бу борадаги янгиликларни англаш, татбиқ ва талқин қилиш, уларни бевосита амалиётга – ўқув жараёнига жорий этиш натижасида бадиий асар нима? Уни қандай тушунмоқ ва тушунтирмоқ керак? Уларни тушунишда, баҳолашда, таҳлил қилишдаги ранг-барангликларни моҳиятини англаш каби тушунчаларни машғулотларига сингдириб боради. У кишининг қўлида таълим олган талабалар ҳам, собиқ талабалари ҳам қизиқарли ва мазмунли маърузалари, амалий машғулотлари ҳақида ҳанузгача мароқ билан гапириб юришади.

Салкам икки йил давом этган бетоблик даврида ҳам, ҳар бир машғулотида тайёргарлик қилиб онлайн дарсларни ниҳоятда берилиб, иштиёқ билан ўтганлигига ўзим гувоҳман. Умрзоқ ака ҳақида айтиб адо бўлмас гапларим кўп.

Ўйлаб кўрсам, таъкидламасам бўлмайдиган яна бир фазилати ёдимга тушди. Умрзоқ ака оила бошлиғи сифатида намунали оила яратди. Турмуш ўртоғи Рисолат опам билан ажойиб фарзандларни тарбиялади. Қанчалик кўп оғир-енгил кунлар бўлишига қарамай, оилада тинчлик-тотувлик, меҳр-оқибат, ҳурмат ҳукм сурди.

Умрзоқ акани яқиндан биладиганларнинг барчаси ўта самимийлигига, бир оз қайсарлик талабчанлигига ва бағрикенглигига тан беради. Ҳар бир инсонга, ҳар бир воқеа-ҳодисага одилона ёндашиб, адолатли баҳо берар эди.

Қани энди барчамизга бош бўлиб юрганида эди, лекин Оллоҳнинг иродаси экан, шафқатсиз ўлим орамиздан олиб кетди. Умрзоқ аканинг ўрни кунда кундалик ҳаётимизда жуда билинади. Биз у кишини катта ҳурмат ва меҳр билан эслаймиз.

Охиратлари обод бўлиб, жойлари Жаннатда бўлишини Оллоҳдан сўраб дуо қиламиз.